

Сийрат дарслари (147-дарс). Мен рашкчи аёлман



17:00 / 30.07.2021 5153

545. Абу Салама ибн Абдурроҳмандан ривоят қилинади:

«Оиша розияллоҳу анҳо унга қуйидагининг хабарини берган: «Аллоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга жуфти ҳалолларини ихтиёрларига қўйишни амр қилганда у зот унинг (Оишанинг) олдига келибдилар. У айтади: «(Ихтиёрга қўйишни) мендан бошладилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сиз олдимизга бир ой кирмаслик ҳақида қасам ичган эдингиз. Йигирма тўққиз кунда кирдингиз. Санаб турибман», дедим. **«Ой йигирма тўққиз кунлик эди. Эй Оиша, сенга бир ишни айтаман. Шошилмай ота-онанг билан маслаҳатлаш»**, дедилар. Сўнгра менга «Эй Набий, жуфти ҳалолларингга айт...» оятини «ажран азийман»гача ўқиб бердилар. Аллоҳга қасамки, у зот ота-онам мени ўзларидан ажралишга

буюрмасликларини билар эдилар. Шунда мен: «Бу ишда ота-онам билан маслаҳат қиламанми? Мен Аллоҳни, Унинг Расулини ва охират диёрини ихтиёр қиламан», дедим. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг барча жуфти ҳалоллари мен қилган нарсани қилишди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

546. Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Иддаси чиққанда Абу Бакр унга совчилик қилиб, одам юборди. Унга тегмади. Сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари учун совчи қилиб Умар ибн Хаттобни унга юбордилар. Шунда у: «Мен рашкчи аёлман, болали аёлман. Қариндошларимдан бирортаси ҳозир йўқ», деди. Сўнг у (Умар) келиб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган нарсани зикр қилди. Шунда у зот: **«Унинг олдига қайт ва унга айт: «Мен рашкчи аёлман» деганиннга келсак, Аллоҳга дуо қиламан, рашкингни кетказади. «Мен болали аёлман» деганиннга келсак, фарзандларингнинг нафақасидан халос бўласан. «Қариндошларимдан бирортаси ҳозир йўқ» деганиннга келсак, олдинда бўлсин, узоқда бўлсин, бирорта қариндошинг бу ишни ёмон кўрмайди».** Шунда у (Умму Салама) ўғлига: «Ҳой Умар, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни уйлантир!» деди». Сўнг уйлантирди.

Насоий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан